

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

НИЁЗОВ ХУСАН НИЁЗ ЎҒЛИ

**ЮҚОРИ ПРОТЕИНЛИ, КОМПОНЕНТЛАРИ
МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИЛГАН БАЛИҚ ЕМИНИ РЕЦЕПТЛАРИ
ВА ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш,
сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)

Ниёзов Хусан Ниёз ўғли

Юқори протеинли, компонентлари маҳаллийлаштирилган балиқ емини
рецептлари ва тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш3

Ниёзов Хусан Ниёз ўғли

Разработка рецептов комбикормов для рыб с повышенным содержанием
протеина и локализованными компонентами21

Niyozov Khusan Niyoz o'g'li

Development of recipes for fish feed with increased protein content and localized
components.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

НИЁЗОВ ХУСАН НИЁЗ ЎҒЛИ

**ЮҚОРИ ПРОТЕИНЛИ, КОМПОНЕНТЛАРИ
МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИЛГАН БАЛИҚ ЕМИНИ РЕЦЕПТЛАРИ
ВА ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш,
сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2024.3.PhD/Т4852 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (ik-kimyo.nuu.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Додаев Қўчқор Одилович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Исабаев Исмоил Бободжанович
техника фанлари доктори, профессор

Қаршиев Толиб Овлаевич
биология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузурдаги DSc.03/30.12.2019.T.04.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «17» Ол соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 32. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871) 244-79-17; e-mail: tcti_info@edu.uz.) Тошкент кимё-технология институти Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (8 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўч., 32. Тел.: (99871) 244-79-20.

Диссертация автореферати 2025 йил «17» 03 кuni тарқатилди.
(2025 йил «17» 03 даги № 8 рақамли реестр баённомаси).



[Signature]
С.М. Туробжонов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

[Signature]
Х.Н. Қодиров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

[Signature]
Қ.П. Серкаев
Илмий даражалар берувчи илмий
Кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунё миқёсида аҳолини оқсил моддаси билан таъминлаш мақсадида балиқ етиштириш, сақлаш, қайта ишлаб, ундан тайёрланган маҳсулотлар билан таъминлаш, жаҳон бозори талабларига мос рақобатбардош маҳсулот ассортиментини кенгайтириш бўйича эҳтиёж янада ортди. Шу билан бирга балиқ етиштиришда уларнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, балиқларни тўйимли ва фойдали озуқалар билан боқиш, сифатли, юқори калория ва бой таркибга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириб, халқаро сифат стандартлари асосида биологик қиймати ва органолептик кўрсаткичлари яхшиланган балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда озиқ-овқат саноатида оқсиллар, ёғлар, углеводлар, минераллар, витаминларга бой хомашёларини қайта ишлаш, сифатли балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоқларни ривожлантириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада балиқчилик тармоғини сифатли озуқа билан таъминлаш орқали янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, истеъмол меъёрлари физиологик талабларга мос келувчи табиий хомашё ва маҳсулотлардан самарали фойдаланиш, жумладан сунъий балиқчилик тармоғини ривожлантириш ва балиқ етиштиришда оқсиллар-ёғлар-углеводлар мувозанати сақланган озуқалари ишлаб ишлаш технологияларини жадаллаштириш ва синовдан ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда балиқ истемолини аҳоли кундалик рационига киритиш, сунъий сув хавзаларида балиқ етиштириш учун оқсиллар, ёғлар, углеводлар бой озуқалардан фойдаланиш, арзон ва парҳезбop балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришда муайян натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «балиқчиликни ривожлантириш ва балиқ етиштириш ҳажмини 1,5-2 баробарга ошириш чора-тадбирлар»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолини сифатли, микро- ва макроэлементларга бой балиқ маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, балиқчилик хўжалиқларининг товар балиқ маҳсулдорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 1 майдаги ПФ-2939-сонли «Балиқчилик тармоғини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 13 январдаги ПҚ-83-сонли «Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2022 йил 11 февралдаги ПФ-67-сонли «Балиқчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ- 60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишини устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиётининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий тадқиқотлар ривожланиши балиқ озуқаси ишлаб чиқариш ва унинг таркибини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Келтирилган олимлар ва тадқиқотчилар, жумладан, К.Нjehneland, J.Kofibr, Y.Iida, M.Yamashita, B.B. Болл, Н. А. Воскресенский, Е.Е. Иванова, Л.Л. Константинова, Н.М. Купина, И.Л. Леванидов, В.Л. Лисовая, А.С. Лысова, О.Я.Мезенова, Т.Н. Слуцкая, В.Е. Туватова, Е.Ю. Черевач, А.Л. Черногорцев, В.И. Шендерюк, М.В. Гольдин, А.А.Рыжков, Т.И.Слабко ва бошқалар, балиқ озуқасининг оксиллар, ёғлар, углеводлар, витаминлар, минераллар ва органик кислоталар каби компонентлардан мақсадли шакллантиришини ўрганмоқдалар. Бу соҳадаги тадқиқотлар нафақат озик-овқат хавфсизлигини таъминлашга, балки балиқ истеъмолини оширишга ҳам хизмат қилади. Республикамизда Р.Нормахматов, Ж.М.Курбанов, К.О.Додаев, А.Ж.Тошев, К.П.Серкаев, А.Б.Йўлчиев, У.К.Абдуллаев, У.Н. Болтабоев ва бошқа тадқиқотчилар ушбу йўналишда изланишлар олиб бормоқдалар, бу эса маҳаллий балиқчилик саноатини ривожлантиришга ёрдам беради.

Улар балиқ еми ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштирган. Улар хом ашё ва омихта емининг физик-кимёвий хоссалари, таркиби ва миқдорини аниқлашга, шунингдек, озуқавий ва биологик қиймати ҳамда сифатини ўрганишга эътибор қаратганлар.

Ушбу диссертацияда балиқ еми ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш жараёни ҳақида сўз юритилган. Асосий мақсад хом ашёнинг биологик ва озуқавий қийматини сақлаб қолиш ва ошириш, иссиқлик билан ишлов беришни осонлаштириш, озуқа ишлаб чиқаришда самарадорликни ошириш ва хавфсизликни таъминлашдир. Буларнинг барчаси тайёр ем ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва маҳсулот тайёрлаш жараёнини соддалаштиришни ўз ичига олади. Бу технологик ёндашувлар балиқ ейиш қобилятини ривожлантиришга ва маҳсулот сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ITMT 23/01-рақамли «Озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ресурс тежовчи, экологик тоза технологияларни ишлаб чиқиш» (2023-2024 йй) мавзусидаги хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади микробиологик тадқиқотлар орқали озуқа ем таркибидаги оксил миқдорини ошириш, маҳаллий хомашёлардан биотехнологик усулда юқори оксилли, мувозанатли балиқ озуқалари олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

балиқ озуқасининг кимёвий таркибини ўрганиш, компонентларнинг

миқдор ва сифат жиҳатларининг камчилигини аниқлаш;

оқсилларни тадқиқ қилиш ва маҳаллий хомашёдан ишлаб чиқарилган озуқа таркибидаги оқсилларни кўпайтириш усуллари аниқлаш;

маҳаллий хомашёдан балиқ учун ишлаб чиқарилаётган озуқа емнинг қолган компонентлари миқдорини тадқиқ этиш ва бошқариш;

микробиологик тадқиқотлар орқали озуқа ем ишлаб чиқаришда биотехнологик усулларни қўллаш, омухта емларнинг кимёвий таркибини ферментатив ишлов бериш орқали шакллантириш;

маҳаллий хомашёдан балиқ еми ишлаб чиқаришнинг принципиал схемасини ишлаб чиқиш;

маҳаллий хомашёлардан юқори оқсилли, баланслаштирилган балиқ озуқалари олиш технологияси ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида биз тузган рецептлар, шу рецептлар бўйича маҳаллий хомашёдан тайёрланган озуқа ем, унинг таркибига кирувчи оқсиллар, углеводлар, ёғлар, витаминлар ва минераллар. Озуқа ем тайёрлаш технологияси.

Тадқиқот предмети балиқ учун омихта ем тайёрлаш рецепти, ферментатив ишлов берилган сифатли ем, унинг таркибини шакллантириш, иссиқлик ишлови бериш жараёни, тайёр маҳсулот хоссалари, хавфсизлиги, ишлаб чиқаришни мақбуллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда рецептура бўйича тайёрланган озуқа ем таркибидаги оқсил миқдорини – Къельдал, Лоури усулларида, углеводларнинг умумий миқдори ва В, D, Е витаминларни аниқлашда юқори самарали суюқлик хроматографияси усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маҳаллий хомашёдан ишлаб чиқарилган, таркибидаги оқсил миқдори 15-16 % бўлган балиқ боқиш учун мўлжалланган комбикормда талаб этилган оқсил миқдори (30-35 %)-дан камлиги, сифатининг пастлиги аниқланган;

углеводлар билан озикланиб, оқсил ҳосил қиладиган *Pleurotus ostreatus* ва *Aspergillus oryzae* замбуруғлари ишлаб чиқарган протеолитик ферментлар синтез қилиниши ўрганилган;

Pleurotus ostreatus ва *Aspergillus oryzae* замбуруғлари синтез қилган ферментларидан фойдаланиб, маҳаллий хомашёдаги оқсиллар миқдорини 15,5 дан 32% -гача ошириш мумкинлиги кўрсатилган;

Pleurotus ostreatus замбуруғларида оқсил миқдори ўсишининг динамик тавсифи аниқланиб, фермент фаоллиги 27,4-41 *бир/мл* -ни ташкил этган, биомассанинг 72 соатда 5,2 *г* гача, 168 соатда 8,6 *г*-гача кўпайиши, *Aspergillus oryzae* замбуруғлари ферменти фаоллиги 24-32 *бир/мл* -ни ташкил этиб, биомасса миқдори 96 соатда 8,5 *г* , 144 соатда 10,1 *г* -гача ўсиши аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат.

балиқ озуқаларининг углеводлар, ёғлар, минерал моддалар ва витаминларга бой рецептуралари ишлаб чиқилган;

озуқа-ем ишлаб чиқаришда биотехнологик усулни ривожлантирилиб,

маҳаллий хомашёлардан юқори оқсилли, балансланган балиқ озуқалари олиш технологияси ишлаб чиқилган;

қўшимча оқсил ишлаб чиқариладиган биореактор, грануляция экструдери, қуритиш ва совутиш тизимидан иборат балиқ озуқалари олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги экспериментлар таҳлилида замонавий физик-кимёвий тадқиқот услублари, регрессион тенгламаларнинг аниқлиги ва уларни ҳақиқий жараёни адекват тарзда ифодалаганлиги, балиқ озуқасининг оқсиллар, ёғлар, углеводлар, витаминлар, минераллар ва органик кислоталардан иборат мувозанат таркибларини тайёрлаш технологиясини амалиётга жорий этиш бўйича инновацион ишланмалар рўйхатига киритилганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти табиий ва сунъий сув ҳавзаларида етиштирилган балиқлар учун биотехнологик тайёрланган, таркибидаги оқсил миқдори 32 % оширилган, культурал суюқлик таркибидаги амилolitik, протеolitik ферментлар активлиги, рН муҳити ва биомассаси аниқланган, ўзгариш динамикаси исботланган, балиқлар учун сифатли озуқа таркиб олиш илмий асосларини яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиб, биотехнологик усул билан тайёрланган озуқа емнинг иқтисодий самарадорлиги юқорилиги, доннинг иккиламичи хом ашёлардан фойланиб, балиқлар учун озуқа ем олиш технологиясини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий хом ашёлардан юқори оқсилли, мувозанатли балиқ озуқалари олиш технологияси ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

маҳаллий хомашёлардан фойдаланиб, биотехнологик йўл билан балиқлар озуқа емини ишлаб чиқариш технологияси «Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмаси»нинг «2024-2026 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган (Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмасининг 2024 йилнинг 24 сентябридаги №24-94/09-24-сон маълумотномаси). Натижада оқсил, ёғ, углеводлар, микро- ва макроэлементлар ҳамда витаминларга бой балиқ еми ишлаб чиқариш имконини берган;

юқори протеинли, компонентлари маҳаллийлаштирилган балиқ еми ишлаб чиқариш технологияси «Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмаси»нинг «2024-2026 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган (Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмасининг 2024 йилнинг 24 сентябридаги №24-94/09-24-сон маълумотномаси). Натижада табиий ва сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштириш учун оқсиллар, ёғлар, углеводлар бой озуқалардан фойдаланиш, арзон балиқ етиштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 13 та, шу жумладан, 4 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг асосий илмий натижаларни чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларида 7 та мақола, жумладан 3 хорижий журналларда, 13 тезислар илмий-амалий анжуманлар тўпламларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловаларни ўз ичига олган. Диссертациянинг умумий ҳажми 120 бетдан иборат бўлиб, 24 расм ва 21 жадвални ўз ичига олган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация таркиби бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиёт шарҳи. Балиқларнинг озукавий моддаларга бўлган талаблари**» деб номланган биринчи бобида, ЎЗР-да балиқларни ўстириш учун озуқа ва озуқа моддаларига бўлган эҳтиёж ҳақида умумий тушунчалар, балиқни етиштиришда оксил, аминокислоталар, ёғлар ва углеводларга бўлган эҳтиёжлар, балиқ етиштириш учун минераллар ва витаминларга бўлган талаб, балиқ еми ва энергияга бўлган эҳтиёжини Ўзбекистоннинг маҳаллийлаштирилган озуқалари билан солиштирма таҳлили, озуқа оксиллини ишлаб чиқариш, озуқа оксиллининг ноанъанавий манбалари, оксил ва биомасса миқдорини оширишни таъминловчи микроорганизмлар фаолиятини тадқиқ этиш натижалари, балиқ озуқаларини ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялари бўйича маълумотлар келтирилган. Тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг «**Экспериментлар методикаси, приборлар реактивлар. Тажриба натижалари, муҳокама**» деб номланган иккинчи бобида озуқа-емдаги умумий азот миқдорини Къельдал усулида аниқлаш, БИК-анализатор ProxiMate™ прибори, Лоурининг калориметрик усулида оксил миқдорини аниқлаш, озуқа-емдаги углеводлар миқдорини аниқлаш методи, ГОСТ 15113.9-77 бўйича ёғлар миқдорини аниқлаш, қуруқ модда ва қулдорликни аниқлаш методи, кислоталиликни аниқлаш методи, витаминларни аниқлаш методи келтирилган.

Диссертациянинг «**Саноат балиқчилиги учун озуқа-ем рецептлари ва уларнинг таркибини экспериментал тадқиқ этиш**» деб номланган учинчи бобида микробиологик тадқиқотлар асосида биотехнология усулларини ишлаб чиқиш ва хорижий озуқалар билан рақобатлаша оладиган маҳаллий хомашёдан барқарор юқори оксилли балиқ озуқа емларини ишлаб чиқариш тадқиқ этилди. Балиқ етиштириш объекти сифатида истеъмол қилинадиган озуқаси икки

асосий тоифадаги компонентларга бўлинади: ўсимликлар ва ҳайвонларнинг иккиламчи маҳсулотлари. Озуқа емга ишлатиладиган хомашёдан келиб чиқиши бўйича оқсил миқдори 16% -дан 35% -гача фарқ қилади. Ўзбекистон Республикасида ҳайвонлардан чиқадиган иккиламчи маҳсулотлар етарли эмаслиги сабабли, кўплаб ишлаб чиқарувчилар ўсимликларнинг иккиламчи хом ашёсига асосланган рецептларга мурожаат қилмоқда. Бироқ, бундай рецептларда оқсил миқдори одатда 16-20% атрофида бўлиб, бу сунъий сув ҳавзаларида балиқ боқиш учун етарли эмас. Узоқ муддатли оқсил етишмаслиги балиқларда метаболик касалликларни келтириб чиқара туриб, уларнинг маҳсулдорлигини пасайтиради, ўсишни секинлаштиради ва иммунитетни заифлаштиради. Балиқ озуқаси учун одатий рецептлар қилинган (1-жадвал).

1-жадвал

Озуқа ем рецептлари, %

№	Таркиби	Намуналар рецептураси, %			
		№1 (Nazorat)	№2 (Nazorat)	№3	№4
1	Буғдой дони	-	-	-	10,00
2	Арпа дони	-	-	16,00	20,00
3	Буғдой кепаги	20,00	-	50,00	50,00
4	Маккажўхори уни	-	-	16,00	-
5	Балиқ уни	15,00	25,00	3,00	3,00
6	Суяк уни	11,00	-	-	2,00
7	Пахта шроти	-	-	15,00	14,00
8	Кунгабоқар ёғи	-	-	-	1,00
9	Кунгабоқар шроти	20,00	-	-	-
10	Озуқа ем ачитқиси	20,00	40,00	-	-
11	Буғдой уни	13,00	3,00	-	-
12	Перимикс	1,00	2,00	-	-
13	Қуритилган сут	-	11,00	-	-
14	Соя шроти	-	14,00	-	-
15	Горох уни	-	5,00	-	-
	Жами	100	100	100	100

Изох: №1 – маҳаллий назорат озуқа ем рецепти; №2 – хорижий назорат озуқа ем рецепти; №3, №4 – Озуқа ем рецептураси;

Озуқанинг дастлабки таркибидаги оқсил миқдорини аниқлаш учун Кьельдал усули жуда самарали бир методдир. Бу усул орқали умумий азотни аниқлаб, кейин озуқа турига мос келадиган оқсил коэффициентларини қўллаш орқали оқсил миқдорини ҳисоблаш мумкин. Ушбу коэффициентлар турли маҳсулотлар учун фарқ қилади ва уларни 2-жадвалда кўрсатилган қийматлар асосида белгилаб олиш зарур. Шундай қилиб, оқсил миқдоридаги ўзгаришларни ўрганиш учун дастлабки оқсил миқдорини аниқлаш муҳим.


Балиқ емидаги оқсил миқдори

1-намуна (Назорат)		2-намуна (Назорат)		3-намуна		4-намуна	
V	37,4	V	56,7	V	18,7	V	21,3
V ₁	0,1	V ₁	0,1	V ₁	0,1	V ₁	0,1
K	0,1	K	0,1	K	0,1	K	0,1
c	14,0067	c	14,0067	c	14,0067	c	14,0067
K ₂	6,25	K ₂	6,25	K ₂	6,25	K ₂	6,25
m	0,3344	m	1	m	1,05	m	1,17
c	1000	c	1000	c	1000	c	1000
X _{1(оқсил)} = 31,4 %		X _{2(оқсил)} = 49,5 %		X _{3(оқсил)} = 15,5 %		X _{4(оқсил)} = 15,86 %	


Адабиётлардан маълум бўлишича, маҳаллий хомашёдан ишлаб чиқарилган аралаш озуқаларда оқсил миқдори 15-16 % ни ташкил этиши аниқланган. 1-жадвалда келтирилган 1-2-рецептларда оқсил миқдори мос равишда 15,5 ва 15,86% -ни ташкил этган, бу эса балиқларни боқиш учун мўлжалланган аралаш озуқалардаги оқсил миқдори паст кўрсаткични ташкил этганлигини англатади. Сабаби балиқларни боқиш учун талаб этиладиган оқсил миқдори 30-35 % -дан иборат.

ЎзР ФА Микробиология институтининг “Табиатни муҳофаза қилиш биотехнологиялари” лабораториясининг культуралар музейида сақланадиган айрим фаол оқсил синтезлаш қобилиятини намоён этувчи нопатоген замбуруғ культураларидан фойдаланган ҳолда балиқчиликда фойдаланиладиган омехта озиқабоп оқсилга бой емлар олишда фойдаланиш ишлари олиб борилди. Базидиомицетлар синфига мансуб *Pleurotus ostreatus* (оддий замбуруғ - “вещенька обыкновенная”) базидиал замбуруғини 1-жадвалда келтирилган бардали озиқа муҳитда ўстириб, культура суюқлигида ҳосил бўладиган оқсиллар миқдори, ферментлар фаолликлари ҳамда ўсиш кўрсаткичлари (муҳитнинг рН кўрсаткичи, биомасса тўпланиши) аниқланди. Балиқ озуқаси таркибидаги оқсил миқдорини ошириш учун биз оқсил синтезловчи ва базидиомицет замбуруғларини етиштиришда озуқа ем таркибидаги оқсил миқдорини назорат қилиш учун оқсилни кўпайиш динамикасини ўрганилган. (1-расм).

1-расмдан келиб чиқадики, оқсилнинг миқдори 72 соатдан 168 соатгача 4,6 мг/мл -дан 17,5 мг/мл -гача кўтарилган, кейин эса 240 соатгача, оқсил миқдори камайиб, 7,5 мг/мл-га тушган.




1-расм. *Pleurotus ostreatus* замбуруғи ўстирилган культурал суюқликда ишлаб чиқарилган оқсилларнинг тўпланиш динамикаси.



2-расм. *Pleurotus ostreatus* замбуруғи ўстирилган культурал суюқликдаги биомассаси ва рН муҳитининг ўсиш динамикаси.

2-расмда *Pleurotus ostreatus* замбуруғининг ўсиш суръатлари кўрсатилган, яъни, муҳитнинг рН қиймати ўсиш омилларининг таъсирига қараб, 5,9-6,0 дан кислотали томон 4,0 га силжиши, муҳитда ҳосил бўлган биомасса миқдори 72 соатда 5,2 г-ни ташкил қилган бўлса, 168 соатда эса 8,6 г-ни ташкил қилди. Сўнгра, 240 соатгача камайиш кузатилган.




3-расм. *Pleurotus ostreatus* замбуруғлари ўстирилган культурал суюқликдаги гидролитик ферментлар фаолликларининг ўсиш динамикаси.

3-расмда ўсиш муҳитида мавжуд бўлган углеводларнинг парчаланиши пайтида культура суюқлигида ҳосил бўлган амилolitik ферментларнинг фаоллиги ўрганилди ва у ўсишнинг 144-168 соатида энг юқори фаолликни 27,4-41 бир/мл кўрсатди. Ўсиш динамикасида замбуруғнинг ўсиши ва биомассанинг тўпланиши туфайли муҳитда ҳосил бўлган оксилларнинг парчаланиши учун протеолитик ферментларнинг ҳосил бўлишини кузатиш мумкин. Ферментация жараёнида ҳосил бўлган протеаза ферментининг фаоллиги 168 соатлик ўсишдан сўнг максимал 6,2 бир/мл қийматини кўрсатган ва ўсишнинг 240 соатида 1,11 бир/мл -гача камайган.

Тадқиқотларимизда озиқ-овқат саноати учун муҳим, безарар *Aspergillus oryzae* замбуруғидан фойдаланиш ҳамда оксил ва фаол фермент ажратиш мақсад қилинган. *A. Oryzae* замбуруғ штаммини бардали озуқа муҳитида ўстириб, озуқа миқдори, ўсиш ҳарорати, рН даражаси таъсирида биомасса тўпланиши, оксил ва фермент ҳосил қилиш даврлари муҳит рН ининг ўзгариши ва суюқликда тўпланган оддий углеводлар миқдори ўрганилди. Протеаза ва оксил синтез қилиш даражаси 2-10 кун мобайнида атрофлича ўрганилди. Культуранинг максимал миқдорда фаол оксил синтезлаш даври асосан 3-5 кун мобайнида кечиб, протеаза ва суюқликдаги қандлар миқдори ҳам юқори даражада бўлиши 4-7 кунлар орасига тўғри келган.

Балиқлар еми хомашёлари таркибига асосланган оптимал озуқа муҳитда *Aspergillus oryzae* замбуруғи ўстирилиб, вақт давомийлигида, ем озуқа муҳитининг рН ўзгариши, оксил миқдорининг ўзгариши билан, амилolitik ферментлар яъни α-амилаза ва протеаза ферментлар фаолликларининг динамик кўрсаткичлари ўрганилган. Бунда культура суюқлигида ҳосил бўлган оксил миқдорининг ортиши қонуниятга мос равишда фермент фаолликларининг ортиш вақтларига тўғри келиши кузатилган.




4-расм. *Aspergillus oryzae* замбуруғлари ўстирилган культурал суюқликдаги гидролитик ферментлар фаолликларининг вақт бўйича ўсиш динамикаси.


4-расмда келтирилган маълумотларга асосан, биз олиб борган тажрибалар асосида танлаб олинган озуқа муҳитида замбуруғ томонидан крахмални гидролизловчи фермент α-амилаза фаоллиги 144-соатда 32 бир/мл га етиши аниқланди. Сўнгра, 168 соатдан 240 соатгача фермент активлиги пасайиши кузатилди. Протеаза фермент фаоллиги эса 24, 48-соатларда паст бўлиб (2,1-2,3 бир/мл), ўсишнинг 144-соатида 4 бараварга, яъни 7,9 бир/мл га кўтарилиши кузатилди.

Балиқлар озуқа еми оптимал муҳитининг ўсиш кўрсаткичлари яъни унинг рН кўрсаткичларидаги ўзгаришлар, оксил миқдорининг ортиб бориши биомасса миқдорининг ортиб боришига монанд ошиши қабилар кузатилди (5-расм).

5-расмда келтирилган маълумотларга асосан, замбуруғнинг ўсиш динамикасида тўпланган оксил миқдори ўсишнинг 48-соатида 1 мл фильтратида 4,2 мг/мл бўлса, бу кўрсаткич 144 соатга келиб 8,2 мг/мл даражасига етди. Сўнгра, 168-240 соат оралиғида 7,4 дан 4,1 мг/мл гача оксил миқдорининг камайиши кузатилди.



5-расм. *Aspergillus oryzae* замбуруғи ўстирилган культурал суюқликдаги ишлаб чиқарилган оксилларнинг вақт бўйича тўпланиш динамикаси.



6-расм. *Aspergillus oryzae* замбуруғи ўстирилган културал суюқликдаги биомассаси ва мухит рН-ининг вақт бўйича ўсиш динамикаси.

Худди шундай натижаларни 6-расмда биомасса тўпланиш миқдорида ҳам кузатилган. Масалан, биомасса фаол ҳолда тўпланиши ўсиш вақтининг 96-соатида кескин ортиб, 144-соатда 100 мл културал мухитда 10,1 г ни ташкил қилган. Мухитнинг рН даражаси ўрганилганда, замбуруғ ўсиш динамикаси давомида рН кўрсаткичи дастлабки нейтрал ҳолатдан кислотали томонга силжиши, яъни рН-6,5 дан хатто рН-3,7 га қадар пасайиши кузатилган.

Керакли замбуруғларни ўстириш учун барда (2-жадвал) минерал озуқа воситаси тайёрланган. 250 мл-ли Эрленмейр колбаларига тайёрланган озуқавий мухит солинади ва автоклавда 121 °С ҳароратда 60 дақиқа давомида стерилланади. Стерил шароити мавжуд бўлган ламинар бокседа 1-чи колбага *Aspergillus oryzae*, 2 -чи колбага *Pleurotus ostreatus* замбуруғлари экилиб, 7 кун давомида 30 °С-ли термостатда сақланди. Сўнгра, 500 мл-ли колбаларга намлигини ошириш учун 1:1,56 нисбатда дистилланган сув қўшилади, яъни 80 г емга 125 мл дистилланган сув ва барда мухитида ўстирилган културал суюқлик тенг 2 га тақсимланиб, колбаларга қуйилади, ҳамда 5 кун давомида 30 °С-ли ҳароратда сақланади.

3-жадвал

Барда озуқа эритмасининг таркиби

№	Таркиби	Миқдори, г
1	Барда	120
2	Ун	3
3	CaCO ₃	1,5
4	KH ₂ PO ₄	0,5
5	(NH ₄) ₃ PO ₄	1,5
6	Дистилланган сув	170
V = 300 мл (рН = 6,5)		

3-жадвалда оқсил миқдори дастлабки 1-рецепт таркибида 15,43 % бўлиб, замбуруғ ишлов берганидан сўнг оқсил миқдорининг 16,29 % га ортиши, яъни оқсил билан бойиш даражаси 31,72 % га етиши, клетчатканинг энзиматик конверция натижасида эса дастлабки 4,90 % дан 1,32 % қолгани, яъни 3,58 % конверцияга учраши кузатилди. Ёғ миқдори дастлаб 3,89 % дан 8,36 % га ошган, минерал элементлар миқдори эса дастлаб 3,63 % дан 2,94 % га

камайганини кузатиш мумкин.

4-жадвал

Озуқа емлар таркиби, “*Pleurotus ostreatus*” замбуруғи таъсиридаги биоконверсия кўрсаткичлари

№	Емнинг кўрсаткичлари	1-рецепт		2-рецепт	
		Тажрибадан олдин	Тажрибадан кейин	Тажрибадан олдин	Тажрибадан кейин
1	Оқсил, %	15,43	31,72	15,84	32,18
2	Ёғ, %	3,89	8,36	5,21	10,06
3	Клечатка, %	4,90	1,32	5,04	0,97
4	Углевод (умумий), %	60,49	45,4	59,42	43,19
5	Минерал элемент, %	3,63	2,94	3,95	3,28
6	Намлиқ, %	11,66	10,26	10,54	10,32

2-рецепт таркибидаги оқсилнинг дастлабки миқдори 15,84 бўлиб, замбуруғлар ишловидан сўнг оқсил миқдорининг 16,34 % га ортиши, яъни оқсил билан бойиши даражаси 32,18 га етиши, клетчатканинг энзиматик конверсия натижасида эса дастлабки 5,04 % дан 0,97 % қолгани, яъни 4,07 % конверсияга учраши кузатилди. Ёғ миқдори дастлаб 5,21 % дан 10,06 % га ошган, минерал элементлар миқдори эса дастлаб 3,95 % дан 3,28 % га камайганини кузатиш мумкин.

5-жадвал


Озуқа емлар таркиби, “*Aspergillus oryzae*” замбуруғи таъсиридаги биоконверсия кўрсаткичлари

№	Емнинг кўрсаткичлари	1-рецепт		2-рецепт	
		Тажрибадан олдин	Тажрибадан кейин	Тажрибадан олдин	Тажрибадан кейин
1	Оқсил, %	15,43	28,55	15,84	29,66
2	Ёғ, %	3,89	1,84	5,21	2,56
3	Клечатка, %	4,90	1,17	5,04	1,49
4	Углевод (умумий), %	60,49	52,93	59,42	50,03
5	Минерал элемент, %	3,63	5,06	3,95	5,54
6	Намлиқ, %	11,66	10,45	10,54	10,72

5-жадвалда оқсил миқдори дастлабки 1-рецепт таркибида 15,43 % бўлиб, замбуруғлар ишловидан сўнг оқсил миқдорининг 13,12 % га ортиши, яъни оқсил билан бойиш даражаси 28,55 % га етиши, клетчатканинг энзиматик конверсия натижасида эса дастлабки 4,90 % дан 1,17 % қолгани, яъни 3,73 % конверсияга учраши кузатилди. Ёғ миқдори дастлаб 3,89 % дан 1,84 % га камайган, минерал элементлар миқдори эса дастлаб 3,63 % дан 5,06 % га ошганини кузатиш мумкин.


2-рецепт таркибидаги оқсилнинг дастлабки миқдори 15,84 бўлиб, замбуруғлар ишловидан сўнг оқсил миқдорининг 13,82 % га ортиши, яъни оқсил билан бойиши даражаси 29,66 % га етиши, клетчатканинг энзиматик

конверсия натижасида эса дастлабки 5,04 % дан 1,49 % қолгани, яъни 3,55 % конверсияга учраши кузатилди. Ёғ миқдори дастлаб 5,21 % дан 2,56 % га камайган, минерал элементлар миқдори эса дастлаб 3,95 % дан 5,54 % га ошганини кузатиш мумкин.



7-расм. "*Pleurotus ostreatus*" замбуруғлари томонидан ишлаб чиқарилган оқсилнинг кўпайиши динамикаси.

7-расмда 1-2-рецептлар бўйича озуқа ем таркибидаги оқсил миқдорининг ўсиш динамикаси кўрсатилган. 1-рецепт бўйича энг юқори ўсиш суръати 168 соатда 31,72 % ни ташкил этган. Кейин у 192 соатдан 240 соатгача пасайишни бошлаган, яъни 28,56 % дан 19,12 % гача камайган. 2-рецепт бўйича эса 168 соат ичида 32,18 % билан энг юқори ўсиш суръатига эга бўлган. Кейин у 192 соатдан 240 соатгача пасайишни бошлаган, яъни 29,39 % дан 20,28%-гача камайган.



8-расм. "*Aspergillus oryzae*" замбуруғлари томонидан ишлаб чиқарилган оқсилнинг кўпайиши динамикаси.

8-расмда 1-2-рецептлар бўйича озуқа ем таркибидаги оқсил миқдорининг ўсиш динамикаси кўрсатилган. 1-рецепт бўйича энг юқори ўсиш суръати 168 соатда 28,55 % ни ташкил этган. Кейин эса 192 соатдан 240 соатгача пасайишни бошлаган, яъни 26,62 % дан 16,17 % гача камайган. 2-рецепт бўйича эса 168 соат ичида 29,66 % билан энг юқори ўсиш суръатига эга бўлган. Кейин эса 192 соатдан 240 соатгача пасайишни бошлаган, яъни 27,96 % дан 16,46 % гача камайган.

Оқсил миқдоридаги ўзгаришларни янада бир бор аниқлаш учун озуқа

емдаги оксил миқдорини билиш керак. Оксил миқдорини аниқлаш учун Кьельдал усулидан фойдаланамиз. Умумий азотнинг бирлик массасига тенг оксил коэффицентлари мавжуд бўлиб, уларнинг қийматлари маҳсулот турига боғлиқ. 4-жадвалда оксилнинг коэффицент қийматлари кўрсатилган

Умумий азотнинг масса улуши орқали озуқа емнинг оксил X, % миқдорини аниқлаш усули куйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$X = \frac{(V - V_1) * c * 14.0067 * K * 6,25}{m * 1000} \cdot 100;$$

6-жадвал

Балиқ емидаги оксил миқдори

<i>Pleurotus ostreatus</i> замбуруғи ўстирилган ем				<i>Aspergillus oryzae</i> замбуруғи ўстирилган ем			
1-рецепт		2-рецепт		1-рецепт		2-рецепт	
V	38,6	V	44,5	V	37,3	V	41,5
V ₁	0,1	V ₁	0,1	V ₁	0,1	V ₁	0,1
K	0,1	K	0,1	K	0,1	K	0,1
c	14,0067	c	14,0067	c	14,0067	c	14,0067
K ₂	6,25	K ₂	6,25	K ₂	6,25	K ₂	6,25
m	1,08	m	1,2	m	1,12	m	1,26
c	1000	c	1000	c	1000	c	1000
X_{1(Оксил)} = 31,20 %		X_{2(Оксил)} = 32,39 %		X_{1(Оксил)} = 29,07 %		X_{2(Оксил)} = 28,76 %	

Pleurotus ostreatus замбуруғи ўстирилган емнинг оксил миқдори:

$$X_1 = \frac{(38,6 - 0,1) * 0,1 * 14,0067 * 6,25 * 100}{1,08 * 1000} = 31,20 \%;$$

$$X_2 = \frac{(44,5 - 0,1) * 0,1 * 14,0067 * 6,25 * 100}{1,2 * 1000} = 32,39 \%;$$

Aspergillus oryzae замбуруғи ўстирилган емнинг оксил миқдори:


$$X_1 = \frac{(37,3 - 0,1) * 0,1 * 14,0067 * 6,25 * 100}{1,12 * 1000} = 29,07 \%;$$

$$X_2 = \frac{(41,5 - 0,1) * 0,1 * 14,0067 * 6,25 * 100}{1,26 * 1000} = 28,76 \%;$$

бунда, V - титрлаш учун сарфланган кислота ҳажми, см³; V₁ - текшириш учун сарфланган кислота ҳажми, см³; c - хлорид кислота концентрацияси, моль/дм³; K - бу коэффицент умумий азотнинг бирлик массасига тенг бўлган ем оксили массаси, моль/дм³; 14.067-кислота ҳажмини умумий азотнинг масса улушига ўтказиш коэффицентлари % г·дм³/моль·см³; m - маҳсулот намунасининг массаси, г; 100 - фоизга айлантириш коэффицентлари; 6,25 - умумий азот миқдорини хом оксилга айлантириш коэффицентлари.

9-расмда балиқ озуқаси ишлаб чиқариш линиясининг схемаси кўрсатилган. У озуқа компонентларини майдалаш ва буғ билан намлаш бўлими, ферментация учун зарур температурагача совутиш бўлими, оксил ва биомасса синтези учун самарали “*Pleurotus ostreatus*” микроорганизмларининг фаоллигини таъминловчи биотехнологик жараённи амалга ошириш учун линиянинг иккинчи бўлимида суткалик озуқа ишлаб чиқариш қувватига эга 8 та биореактор ўрнатилган бўлими ўз ичига олади. Битта биореактор таркибидаги маҳсулот бир кунда гранулага айлантирилади. Биореактордаги дастлабки қуюк

массанинг намлиги ферментация жараёнининг охирида 70%-ни ташкил этади, унинг намлигини шнекли буғлаткичда 28-30%-га тушириш ва гранулалаш бўлими, маҳсулотни қуритиш ва ва совутиш ҳамда 5 кг ҳажмли қопларга қадоқлаш бўлимларидан иборат.



9-расм. Балиқ еми ишлаб чиқаришнинг принципиал схемаси.

1. Нория. 2. Нориянинг юклаш қисми. 3. Нориянинг юритмаси. 4. Нориянинг юк тушуриш қисми. 5. Магнит сепаратор. 6. Хом ашё кириш патрубкиси. 7. Майдалагичнинг юклаш қисми. 8. Майдалагич. 9. Майдалагичнинг юритмаси. 10. Майдаланган массанинг чиқиш патрубкиси. 11. Сув ва бошқа компонентлар аралаштиргичи. 12. Аралаштиргич юритмаси. 13. Очiq буғ бериш патрубкиси. 14. Аралашмани тушириш патрубкиси. 15. Аралашма бериш винтли насоси. 16. Аралашмани совутиш иссиқлик алмаштиргичи. 17, 18. Иссиқлик алмаштиргичга аралашма бериш ва чиқариш патрубкалари. 19, 20. Иссиқлик алмаштиргичга совуқ сув бериш ва чиқариш патрубкалари. 21. Биореакторлар. 22. Аралашма бериш патрубкиси. 23. Культурал аралашма бериш патрубкиси. 24, 25. Ёпиқ буғ бериш ва конденсатни чиқариш патрубкалари (совуқ сувни). 26. Аралашма чиқиш патрубкиси. 27. Аралаштириш механизми. 28. Аралаштиргич юритмаси. 29. Конденсатчиқаргич. 30. Шнекли буғлатгич. 31. Шнекли буғлатгич юритмаси. 32, 33. Шнекли буғлатгичнинг юклаш ва тушириш патрубкалари. 34, 35. Шнекли буғлатгичга иссиқ буғ бериш ва чиқариш патрубкалари. 36. Коллектор. 37. Вакуум насос. 38. Буғ кириш патрубкиси. 39. Конденсат чиқиш патрубкиси. 40, 41. Конденсаторга совуқ сув бериш ва

чиқариш патрубкालари. 42. Экструдер. 43, 44. Экструдернинг юкловчи ва тушурувчи патрубкालари. 45. Экситрудер юритмаси. 46. Лентали қуритиш қурилмаси. 47, 48. Қуритиш қурилмасига гранула кириши ва чиқиши жойлари. 49. Транспортёр 50. Гранулаларни совутиш қурилмаси. 51. Ҳаво бериш қурилмаси.

ХУЛОСА

1. Балиқ етиштириш учун ишлаб чиқариладиган озуқа-емнинг кимёвий таркиби, жумладан, оксиллар ва бошқа озуқавий компонентларининг миқдорий ва сифати бўйича камчиликлари аниқланган.

2. “*Pleurotus ostreatus*” ва “*Aspergillus oryzae*” замбуруғлари чиқарган ферментридан фойдаланган ҳолда микробиологик усулда маҳаллий хомашёдан тайёрланган озуқа-емларда оксил миқдорини ошириш усули асослари ўрганилган, оксиллар миқдорини 15,5 дан 32% -гача оширишга эришилган. “*Pleurotus ostreatus*” замбуруғлари томонидан оксил ишлаб чиқариш усуллари тадқиқ этилган, оксил миқдорининг ўсишини динамик тавсифи олинган, энг юқори кўрсаткич 168 соатда 17,5 мг/мл ни ташкил этган, α -амилаза 168 соат ичида 41 бир/мл, протеаза 6,2 бир/мл -га тенг, бўлган энг юқори фаолликка эришиши аниқланган; биомассанинг 72 соат ичида 5,2 г -гача ва 168 соат ичида 8,6 г-гача кўпайиши аниқланган. “*Aspergillus oryzae*” замбуруғлари томонидан оксил ишлаб чиқариш усуллари тадқиқ этилган, оксил миқдори ўсишининг динамик тавсифи олинган, энг юқори кўрсаткич 144 соатда 8,2 мг/мл ни ташкил этган, α -амилаза 144 соат ичида 32 бир/мл, протеаза 144 соат ичида 7,9 бир/мл -га тенг бўлган энг юқори фаолликка эришиши аниқланган; биомасса миқдорининг 96 соатда 8,5 г -дан 144 соатгача оралиқ ичида 10,1 г -гача ўсиши аниқланган.

3. Маҳаллий хомашёдан тайёрланадиган балиқ озуқалари таркибидаги углеводлар, ёғлар, минерал моддалар ва витаминларнинг миқдорий таркиби ўрганилган.

4. Таркибида юқори протеинли ва таркибий қисмлари тартибга солинадиган озуқа-ем ишлаб чиқаришнинг асосий технологик схемаси ишлаб чиқилган бўлиб, у намланган аралашмани тайёрлаш учун агрегатларни, қўшимча оксил ишлаб чиқариладиган биореакторларни, грануляция экструдерини, қуритиш ва совутишни ўз ичига олган.

5. Маҳаллий хомашёдан балиқ учун озуқа-ем ишлаб чиқариш бўйича балиқ эҳтиёжига кўра мувозанатли таркиби билан тавсифланган лаборатория регламентлари ишлаб чиқилиб, тегишли тартибда тасдиқланган.

6. Лаборатория тадқиқотлари натижалари ва ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун тақдим этилган принципиал схема микробиологик ишлов беришдан олдин ва кейин 1000 кг оддий емнинг рецепти ва ҳисоби асосида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарасини баҳолашга имкон берган, бу эса тайёр еми 5 минг сўм/кг дан сотилганда 6 192 000 минг сўмни ташкил этиши аниқланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc03/30.12.2019.Т.04.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

НИЁЗОВ ХУСАН НИЁЗ ЎҒЛИ

**РАЗРАБОТКА РЕЦЕПТОВ КОМБИКОРМОВ ДЛЯ РЫБ
С ПОВЫШЕННЫМ СОДЕРЖАНИЕМ ПРОТЕИНА И
ЛОКАЛИЗОВАННЫМИ КОМПОНЕНТАМИ**

**02.00.17 - Технология и биотехнология обработки, хранения
и переработки сельскохозяйственных и пищевых продуктов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министрове высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за B2024.3.PhD/T4852.

Диссертация выполнена в ташкентский химико-технологический институт.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице научного совета по адресу www.tkti.uz и информационно-просветительским портале «Ziyonet» www.ziyonet.uz.

Научный руководитель: Додаев Кучкор Одирович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Исабаев Исмоил Бободжанович
доктор технических наук, профессор
Қаршиев Толиб Овлаевич
биологические науки, доцент

Ведущая организация: Ташкентский государственный аграрный университет

Защита диссертации состоится 14 09 2025 г. в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте. (Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (+99871) 244-79-20; факс: (+99871) 244-79-17; e-mail: tkti_info@edu.uz).


Диссертация зарегистрирована в информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за № 8, с которым можно ознакомиться в ИРЦ (100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А. Навои, 32. Тел.: (+99871) 244-79-20).

Автореферат диссертации разослан 8 03 2025 года.
(протокол рассылки № 8 от 25.03 2025 года).




С.М. Турабджанов
Председатель научного совета по присуждению
учёных степеней, д.т.н., профессор, академик АН РУз


Х.И. Кадилов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор


К.П. Серкаев
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.т.н. доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Для обеспечения населения белком еще больше возросла необходимость выращивания, консервирования, переработки и поставок рыбной продукции, а также расширения ассортимента конкурентоспособной продукции, отвечающей требованиям мирового рынка. При этом важно укреплять кормовую базу рыбоводства, обеспечивать рыбу питательными и полезными кормами, расширять производство высококачественной, высококалорийной и богатой по составу готовой продукции, обеспечивать рыбную продукцию улучшенными биологической ценностью и органолептическими показателями на основе международных стандартов качества.

Во всем мире в пищевой промышленности ведутся научные исследования с целью развития производств, перерабатывающих сырье, богатое белками, жирами, углеводами, минералами и витаминами, и производящих высококачественную рыбную продукцию. В этой связи особое внимание уделяется увеличению производства новых видов продукции за счет обеспечения рыбной отрасли высококачественными кормами, эффективного использования натурального сырья и продуктов, нормы потребления которых соответствуют физиологическим потребностям, в том числе развитию отрасли искусственного рыболовства, ускорению и апробации технологий производства кормов со сбалансированным белково-жирово-углеводным балансом в рыбоводстве.

В нашей республике достигаются определенные результаты по внедрению потребления рыбы в повседневный рацион населения, использованию кормов, богатых белками, жирами и углеводами, при выращивании рыбы в искусственных водоемах, а также производству недорогой и питательной рыбной продукции. В стратегии развития нового Узбекистана определены важные задачи по «развитию рыбного хозяйства и мерам по увеличению объемов выращивания рыбы в 1,5-2 раза». В этой связи большое значение имеет обеспечение продовольственной безопасности, удовлетворение спроса населения на высококачественную рыбную продукцию, богатую микро- и макроэлементами, повышение товарной рыбопродуктивности рыбных хозяйств.

Указы Президента Республики Узбекистан №ПФ-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», №ПФ-2939 от 1 мая 2017 года «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию рыбной отрасли», Указы и решения № ПК-83 от 13 января 2022 года, «О дополнительных мерах по опережающему развитию рыбной отрасли», № ПФ-67 от 11 февраля 2022 г. «О мерах по всестороннему развитию рыбной отрасли» и другие нормативные акты, связанные с этой деятельностью, к чему посвящено данное диссертационное исследование, в определенной степени служат реализации задач, выдвинутых в данной работе.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей

среды».

Степень изученности проблемы. Великие научные исследования в мире К.Н. Jhehneland, J. Kofibr, Y. Iida, M. Yamashita, В.В. Болл, Н. А. Воскресенский, Е.Е. Иванова, Л.Л. Константинова, Н.М. Купина, И. Л. Леванидов, В.Л. Лисовая, А.С. Лысова, О.Я. Мезенова, Т.Н. Слуцкая, В.Е. Туватова, Е.Ю. Черевач, А.Л. Черногорцев, В.И. Шендерюк, М.В. Гольдин, А.А. Рыжков, Т.И. Слабко, а также в нашей Республике Р. Нормухаматов, Ж.М. Курбанов, К.О. Додаев, А.Ж. Тошев, К.П. Серкаев, А.Б. Юлчиев, У.К. Абдуллаев, У.Н. Болтабоев по производству кормов для рыб, целенаправленному формированию их состава, состоящего из белков, жиров, углеводов, витаминов, минеральных веществ и органических кислот.

Ими усовершенствованы технология производства кормов для рыб, определены физико-химические свойства, состав и количество сырья, комбикормов, изучены их пищевая и биологическая ценность, качество.

При этом в процессе совершенствования и внедрения технологии производства рыбных кормов сохранение и усиление биологической и пищевой ценности сырья в полном объеме, обеспечение относительно легкой термической обработки, эффективное использование их при производстве кормов и повышение ее безопасности, расширено производство готовых комбикормов и облегчен процесс подготовки продукции.

